


ТАФАККУР САРЧАШМАЛАРИ

МАГИСТРЛАРНИНГ ИЛМИЙ – АМАЛИЙ
МАҚОЛАЛАРИ ТЎПЛАМИ



ТОШКЕНТ

Магистрантларнинг илмий-методик мақолалари тўплами 2009 йил

	мутахассислиги магистранти, илмий раҳбар: п.ф.н., профессор Мамиров Қ.М.	яти дарсларида интерфаол услубларни қўллаш йўллари	
17.	Иноятова Н. - "Мухандислик графикаси" мутахассислиги магистранти, илмий раҳбар: доцент Аширбоев А.	Таълимга муаммоли ёндашиш ва уни ривожлантиришнинг баъзи масалалари	36
18.	Искандаров Ш. - "Тарих" мутахассислиги магистранти, илмий раҳбар: тар.ф.д., Аширов А.А.	Тошкент воҳасининг этнотопонимик тарихи ҳақида	38
19.	Исломова Л.Ф. - "Инглиз тили" мутахассислиги магистранти, илмий раҳбар: профессор Сатимов Ғ.	Инглиз ва ўзбек тилларида қўшма сўз ҳодисасининг қиёсий - типологик таҳлили	41
20.	Исматова Н.М. - магистрантка специальности "Английский язык", научный руководитель: профессор Юсупов Ў.Қ.	Типы восклицательных предложений в английском и узбекском языках	43
21.	Йўлдошева Ш. - "Педагогика" мутахассислиги магистранти, илмий раҳбар: п.ф.н., доцент Эргашев Д.У.	Шарқ педагогик таълимотида таълимий -ахлоқий қарашлар	46
22.	Қодиров М.М. - Касб таълими "Машинасозлик технологияси" мутахассислиги магистранти, илмий раҳбар п.ф.д., профессор Муслимов Н.А.	Касб-хунар коллежларида касбий тарбиянинг мазмуни ва моҳияти	55
23.	Комилов Ф. - "Маънавият асослари" мутахассислиги магистранти, илмий раҳбар: тар.ф.д., профессор Ҳолиқов Э.	Ёт таҳдидларга қарши курашда оммавий ахборот воситаларининг роли	57
24.	Қурбонова М.А. - "Муסיқий таълим" мутахассислиги магистранти, илмий раҳбар: п.ф.н., доцент Азимов Б.Ғ.	Муסיқа илм ва тарбия воситаси	60
25.	Қушарбаев Ж. - Касб таълими "Машинасозлик технологияси" мутахассислиги магистранти, илмий раҳбар: т.ф.н., доцент Зоиров И.У.	Педагог ўқитувчининг машғулотларга тайёрланиш структураси	63
26.	Мавлянова Ғ. - "Мақтабгача таълим ва оилавий таълим" мутахассислиги магистранти, илмий раҳбар: п.ф.н., доцент Джамилова Н.	Педагогика коллежи ўқувчиларини касбий фаолиятга тайёрлаш	67
27.	Мағдиева Ғ. - "Педагогика" мутахассислиги магистранти, илмий раҳбар: п.ф.н., доцент А.Каримжонов	Она тили - бу миллатнинг руҳидир	69
28.	Мадалиева Н. - "Меҳнат таълими" мутахассислиги магистранти, илмий раҳбар: п.ф.н., доцент Муллаҳметов Р.Ғ.	Умумий ўрта таълим мактабларида меҳнат таълимининг моддий техник таъминоти	70
29.	Мадаминова Н.Р. - магистрант специальности "Русский язык", научный руководитель: к.ф.н., доцент Шевцова О.В.	Ғрани окказиональной грамматики м. Цветасвой	72
30.	Матқаримов Ж.Б. - магистрант специальности "Математика", научный руководитель: к.ф.н.н, доцент Зоитов О.	Функтор слабо аддитивных радоновых функционалов и совершенные отображения	75
31.	Махамаджанова Ф.А. - "Инглиз тили" мутахассислиги магистранти, илмий раҳбар: профессор Юсупов Ў.Қ.	Отларнинг маъно жиҳатидан классификацияси ҳақида	77
32.	Микеева Д. - магистрантка специальности "Менежмент образования",	Формирование профессиональных качеств у	80

	научный руководитель: к.п.н., доцент Джамилова Н.	будущих руководителей в системе народного образования	
33.	Мирзаев Ф. - "Муסיкий таълим" мутахассислиги магистранти, илмий раҳбар: п.ф.д., профессор Нурматов Х.Н.	Ҳозирги замон мусика дарсларининг мазмуни	82
34.	Мусаева Х.К. - магистрант специальности "Русский язык" научный руководитель: к.ф.н., доцент Хегай В.М.	Отражение гендерных отношений в пословичных изречениях русского и узбекского языков	84
35.	Мухамедова М. - Мухандислик графикаси" мутахассислиги магистранти, т.ф.н., профессор Муродов Ш.К.	Аксометриядаги назарий ўзгариш коэффициентлардан фойдаланиб яққол тасвирлар яшаш.	86
36.	Набиева Ф. - "Мақтабгача таълим ва оилавий таълим" мутахассислиги магистранти, илмий раҳбар: п.ф.н., профессор Хасанбоева О.У.	Оилада турмуш маданиятини ривожлантиришда болаларни одобга ўргатиш	90
37.	Насриддинов О.А. - "Инглиз тили" мутахассислиги магистранти, илмий раҳбар: п.ф.н., доцент Ражабов Б.С.	Касб-хунар коллежларида монологик нутқни ўрганишга доир	91
38.	Насриддинова Н.А. - "Инглиз тили" мутахассислиги магистранти, илмий раҳбар: п.ф.н., доцент Б.Ражабов	Инглиз тилини ўргатишда қўллаш мумкин бўлган айрим дидактик материаллар хусусида	93
39.	Насриддинова Н.А., Насриддинов О.А. - магистрант специальности "Английский язык", илмий раҳбар: п.ф.н., доцент Ражабов Б.С.	К вопросу об обучении монологической устной речи в связи с чтением	94
40.	Новикова О. - магистрант специальности "Английский язык", научный руководитель: к.п.н., доц. Умбаров Н.У.	Типология артиклей германских и романских языках (на материале англ. нем. франц. языков)	98
41.	Нурматова Н.А. - "География" мутахассислиги магистранти, илмий раҳбар: и.ф.н., доцент Исмаилов О.Ш.	Хусусий тадбиркорликни ривожлантириш-давр талаби	99
42.	Омонов Қ. - "Мухандислик графикаси" мутахассислиги магистранти, илмий раҳбар: т.ф.н., профессор Исмаилов Р.Қ.	Геометрик алмаштиришлар билан юқори тартибли текис эгри чизиклар ҳосил қилиш	101
43.	Остонова И. - "Педагогика" мутахассислиги магистранти, илмий раҳбар: п.ф.н., профессор Хошимов К.	Академик адиб уй-музейида	103
44.	Пардаева Х.Я. - "Кимё" мутахассислиги магистранти, илмий раҳбар: к.ф.н., профессор Расулов К.Р.	Кимё ва атроф-муҳит муҳофазаси	105
45.	Позилова Л. - "Мақтабгача таълим ва оилавий таълим" мутахассислиги магистранти, илмий раҳбар: п.ф.н., профессор Хасанбоева О.У.	Оилада болаларга илк математик тасавурлар ҳақида билим бериш	107
46.	Примкулова Н. - "Бошлангич таълим" мутахассислиги магистранти, илмий раҳбар: п.ф.н., доц. Абдурахимова Д.	Педагогик технология – янгиликка киришишнинг асосий манбаи	109
47.	Пулатова Х., Мадиярова М. - Касб	Таълим методларининг макбул	111

Бундай системанинг ўрни айрим дарсларни ташкил этишда ўқув мавзуларида ёки ўқув жараёнида бошқа усуллар билан уйғунлашган ҳолда бўлиши мумкин.

Чизмачилик дарсларида ўқувчиларнинг билиш фаолиятини ташкил этиш ўқитувчи учун мураккаб бўлган вазифаларидан биридир. Кузатишларнинг кўрсатишича кўпинча чизмачилик дарсларида ташаббус фақат ўқитувчининг томонида бўлади: ўқитувчининг ўзи дарснинг мақсадини кўяди, ўзи унинг ечиш йўлини кўрсатиб беради. Бундай таълим шароитида ўқувчиларнинг мустақил, мантикий фикрлашлари учун имконият яратилмайди, ижодий фикрлашга ўрин қолмайди, ташаббус талаб этилмайди. Ўқувчининг фаолияти чекланиб қолади. Ўз-ўзидан аёнки бундай фаолият қутилаётган натижани бермайди.

Ривожлантирувчи таълимнинг ишончли йўлларида бири таълимда муаммоли вазиятни ташкил этиш йўлидир. Юқоридаги келтирилганларга асосланиб илмий ишимизда таълимда муаммоли вазиятни ташкил этиш тизимининг мақбул бўлган шаклини умумтаълим мактабларида чизмачиликни ўқитиш жараёнида ишлаб чиқилади.

ТОШКЕНТ ВОҲАСИНИНГ ЭТНОТОПОНИМИК ТАРИХИ ҲАҚИДА

Искандаров Ш. - “Тарих” мутахассислиги
магистранти, илмий раҳбар: тар.ф.д., Аширов А.А.

Тошкент воҳасининг икки асрдан ортиқ тарихи давомида Қадимдан Марказий Осиёнинг иқтисодий, сиёсий ва маданий-маърифий марказларидан бўлиб келган. Бу гўзал воҳа географик жиҳатдан қўлай маконда ҳамда давлатлараро савдо йўли устида жойлашганлиги туфайли ҳам кўплаб босқинчилик урушларини бошидан кечирди. Шу тариқа воҳа аҳолиси гоҳида ўзга ҳукмдорнинг таъсирига тушиб қолганлиги тарихдан маълум.

Бу жараён жойларнинг номланишига ҳам озми-кўп таъсир этди. Тошкент воҳаси худудида мавжуд бўлган этнотопонимларни ўрганиш ўта муҳим тарихий масалалардан бири бўлиб, улар орқали айрим этносларни ўтмишда яшаган жойларини аниқлаш ва воҳа аҳолисининг шаклланиш тарихини янада ойдинлаштириш имкониятига эга бўламан.

Воҳа худудига асрлар давомида бир қанча қабилалар ва халқлар келиб ўрнашиб, маҳаллий аҳоли таркибига қўшилиб кетганлар баъзида эса улар ўз номларини сақлаб ҳам қолган.

Тошкент вилоятида қозоқ халқининг асосан улуғ жузи таркибига кирувчи шаншқли, қангли ва сирге уруғлари вакиллар яшаб келган. Шаншқли ва қангли қабил аиттифоқи жуда узоқ тарихга эга бўлиб, шаншқли ва қанглиларни бир отанинг фарзандлари ҳисоблашадилар. Уларининг афсонавий аجدди Қўғай деб аталган.

Шаншқли ва қанглилар жангвор шиорлари “Айрилмас” ва “Бойтерак”.

Шаншқли қабиласи 4 отага бўлинади: биринчиси Дархоннинг ўзи ҳам 4 га бўлинади. Ўршақ, қултума, енгкес, шўшимга: иккинчиси Санграу ҳам 15 га яқин уруғларини бирлаштиради: учинчиси Балиқ бўлиб, унинг таркибига қуйидагилар қиради. Болта, қиёт, мамит, сурим, тўрқис, жунси ва бошқалар қиради: тўртинчиси Курликнинг таркибига, укибой, даулет, ўлжа, ағанай, жўлик, бўқа, тўғизоқ, қўдайкул, кўшек, кўрик, ажике, аранчи уруғлари ҳисобланади. Тошкент вилоятида ажике уруғидан бошқа ҳамма уруғларнинг номлари жой номлари шаклида учрайди.

Қангли уруғлари - улуг жуз сирасига кирувчи халқ. Қора қангли, енге, танта, қораманас, каспан, ерезен, тўғизбой, ўнбай, сарик, қангли эса ўмиртқа, миям, алсейт, ақбарак, шокпар, бузовчи тармоқларига бўлинади.¹

Қанг номи қадимги тохар тилида “қанг” “тош” маъносини англатаган.² ҚАНҒЛИ - Тошкент вилоятининг Қибрай, Ўрта Чирчиқ, Бўстонлик, Янгийўл туманларида ҳамда Зангиота «яқинида жойлашган қишлоқнинг ном. Паркент туманида ҳам Қангли, Туташ-Қангли қишлоқлари мавжуд. Бу қишлоқларда яшаган қангли қабиласига мансуб этник гуруҳлар маҳаллий аҳолига аралашиб, этник номларини унутиб юборганлар. Тарихдан маълумки, қанглилар йирик туркийзабон қабила бўлган. Уларнинг кейинги авлодлари ҳозир ҳам Зарафшон воҳасида яшайдилар. Қанглилар қозоқ, қорақалпоқ, туркман, бошқир ва бошқа туркий халқлар таркибида ҳам ўз этник номларини сақлаб қолганлар.

БўКА - Бўка туманининг маркази. Қангли уруғларидан бири бакан қангли деб номланган. Бакан сўзи Бўка бўлиб қолган.

ДЎРМОН - Тошкент яқинида, Қибрай туманидаги қишлоқ. Ўзбек қабилаларидан бири дўрмон деб аталган. Дўрмон қишлоғининг номи шу қабила номидан олинган. Дўрмон қабиласига мансуб этник гуруҳлар ҳозир ҳам Сурхондарё вилоятида (Боботоғ этақларида) ва Тожикистоннинг жанубида (Қофирниҳон дарё ҳавзасида), қисман Хоразмда яшайдилар.

Қорахитой - Охангарондан Ангренга кетиш йўлидаги қишлоқ. Қишлоқ номи ўзбек халқининг таркибига кирган қабилалардан бирининг номи билан боғлиқ. Илк ўрта асрларда қорақидан, кейинчалик қорахитой, хтой (қитай) аталган қабила авлодлари ҳозир ҳам Самарқанд вилоятининг Каттақўрғон ва Октош туманларида яшайдилар. Қитай этноними қирғиз халқининг таркибига ҳам кирган.

ҚОРАҚЎЙЛИ - Бўкадан Пискентга бориш йўлидаги қишлоқ номи. Қорақўйли илк ўрта асрларда ўғуз туркманлари таркибидаги қабилалардан бирининг номи бўлган. XI асрда буларнинг қатта қисми ғарбга (Хуросон, Кичик Осиёга) силжиб кетади. Қорақўйлиларнинг маълум қисми Дашти қипчоқда қолиб, кейинчалик ҳозирги Ўзбекистон ҳудудига, жумладан, Тошкент воҳасида жойлашган. Вақт ўтиши билан булар маҳаллий аҳолига

¹ Тошкент шаҳри ва вилояти топонимлари муаммолари. “Илмий-амалий конференция докладлари тезислари”. Тошкент 1994 йил “Тошкент вилоятидаги қозоқ этнонимлари ҳақида”. М.Умаров, “Азия” газетаси редакцияси.

² Тошкент “Энциклопедияси” – Тошкент, 1992 й, 442 – бет.

аралашиб этник номларини унутадилар. Қорақўйли этник гуруҳининг жуда оз қисми Зарафшон воҳасида яшовчи қирқ, Сурхондарё воҳасида яшовчи қўнғирот қабиалари таркибида ўз этник номларини бизгача сақлаб қолганлар.

Қўнғирот - Янгийўл шаҳридан ғарбда жойлашган қишлоқлардан бирининг номи. Қўнғирот йирик ўзбек қабиаларидан. Буларнинг асосий қисми ҳозир ҳам Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларида яшайди. Қўнғиротларнинг қатта бир қисми козоқ халқининг таркибига ҳам кирган. Тошкент вилоятига қўнғиротларнинг кичик бир гуруҳи келиб ўрнашган бўлиши керак. Кейинчалик булар маҳаллий аҳолига аралашиб кетган. Уларнинг этник номлари жой номлари бўлиб қолган.

УЙШУН - Паркент туманидаги, Уйшуновул - Ўрта Чирчиқ туманидаги қишлоқлар. Бу қишлоқлар ўзбек қабиаларидан бири уйшун номи билан аталган. Бир вақтлар бу ҳудудда уйшун қабиласининг кичик бир гуруҳи яшаган бўлиши керак. Кейинчалик қишлоқ уйшун этник номи билан аталиб қолган. Уйшунларнинг кейинги авлодлари ҳозир ҳам Самарқанд, Қашқадарё, Андижон ва Хоразм вилоятларида яшайдилар. Уйшун (уйсун)ларнинг талай қисми козоқ халқининг таркибида ҳам мавжуд.³

Ҳозирги вақтда Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятидаги баъзи этнонимлар, Чақар, Рақат, Кўкча номлари фанда асл маъносини топган эмас. Олимларнинг илмий тадқиқотлари натижасига кўра бу номларига одатда улар қад кўтарган ҳудуд ёки теварак - атрофнинг табиий хусусиятлари ёйинки маҳаллий аҳолиси ва унинг машғулоти, баъзан эса турар жойларнинг сони ва сифатларига қараб нисбатан берилган.

Рақат - ҳозирги пайтда Тошкентдаги маҳалла номи шаклида сақланиб қолган. Рақат деган шаҳарнинг жанубга томон кетган қатта қарвон йўли Роҳикат, яъни, қатта йўл ёки “шаҳарга олиб борадиган йўл” номи билан машҳур бўлган. Бу йўл ёқасидаги мавзе (кейинчалик маҳалла) ҳозирги вақтда Рақат талаффузида юритилмоқда.⁴ Тадқиқотчиларининг фикрича Кўкча номи Қоҳча яъни, қалъча сўзидан келиб чиққан. Бу атама VI-XI аср археология ёдгорлиги бўлган Кўкча ёдгорлиги Кўкча октепасига нисбатан айтилган. Бу октепада ҳаёт X-XI асрларгача давом этган, Октепа ўтган асрнинг 80-йилларида текислаб ташланган.⁵

Чақар қадимги Тошкент атрофидаги маҳалла ва гузарнинг номи. Ҳозирги даврга келиб Тошкентнинг икки манзилида Чақар ўрни сақланиб қолган. Бири Чигатой (Ҳозирги Форобий) кўчаси ўрта белидан кунботар томонга бироз кўтарилган баланд тепалик устидаги атрофи чуқур жарлик билан ўралган. Ҳозир ҳам жарлик бор. Иккинчиси Чорсу билан Бешёғочини бирлаштирувчи кўчанинг ўрта қисмида чуқур кўприк яқинида

³ “Ўзр МДА “фонд-2888 рўйхат-1 йнғма жилд -34 варок-1-3

⁶ Абдулазиз Муҳаммадқаримов “Тошкентнома” Мовароуннахр” Тошкент 2004 й 37-бет.

⁷ Ўша манба, 41-бет.

⁸ Ўша манба, 20-21 бет.